

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“ALYANS AUTO” МЧЖ

Бош директори

О.И.Аюбов



2025 йил “08” 08

КОРПОРАТИВ СТАНДАРТ

“ALYANS AUTO” МЧЖНИНГ

ЖИНОЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА (ЮВИШГА)
ВА ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ СИЁСАТИ

Ишлаб чиқди:

Бўлим	Лавозим	Ф.И.Ш.	Имзо	Сана
Комплаенс хизмати	Мутахассис	Караджанов Н.Қ.		

Келишилди:

Бўлим	Лавозим	Ф.И.Ш.	Имзо	Сана
Молия дирекцияси	Иқтисодиёт ва молия бўйича дирктор	Умурзаков К.Ж.		
Ходимларни бошқариш дирекцияси	Ходимларни бошқариш бўйича директор	Дехконов А.А.		
Харидлар ва етказиб бериш тизими дирекцияси	Харидлар ва етказиб бериш тизими бўйича директор	Асадов Ё.О.		
Маркетинг, сотиш ва сотишдан кейинги хизмат кўрсатиш дирекцияси	Маркетинг, сотиш ва сотишдан кейинги хизмат кўрсатиш директори	Рустамбеков А.Д.		
Юридик бўлим	Бўлим бошлиғи	Очилов Б.Э.		

I. СИЁСАТНИНГ МАҚСАДИ ВА УНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШ СОҲАСИ

1.1. Жиноятдан олинган даромадларни легаллаштириш (ювиш) ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш Сиёсатининг (“Сиёсат”) “ALYANS AUTO” МЧЖ (кейинги ўринларда – Жамият) ва (ёки) Назорат остидаги корхоналарнинг жиноятдан олинган даромадларни легаллаштириш (ювиш) ва терроризмни молиялаштириш учун ишлатилиши мумкин бўлган барча маҳсулотларига (товарларига, хизматларига ва ишларига) ва фаолиятига талабларни белгилашдан иборат.

1.2. Жамият ўз маҳсулотларидан (товарларидан, ишларидан ва хизматларидан) жиноятдан олинган даромадларни легаллаштириш (ювиш) ва терроризмни молиялаштириш мақсадида фойдаланишнинг олдини олиш тамойилига содиқдир.

1.3. Ходимлар ва Бизнес ҳамкорлар ЖДЛ/ТМга қарши курашиш тўғрисидаги амалдаги қонунчиликка ушбу Сиёсат ва Жамиятнинг бошқа маҳаллий ҳужжатларига мувофиқ риоя этишлари шарт.

1.4. Сиёсат Жамият, Ходимлар, Назорат остидаги корхоналар ва Бизнес ҳамкорларга нисбатан татбиқ этилади

1.5. Сиёсат Жамиятга ёки Назорат остидаги корхоналарга инвестиция қилишда, молиявий ёрдам (кредитлар, қарзлар ва бошқалар) тақдим этишда, шунингдек Жамият томонидан молиявий ёрдам (кредитлар, қарзлар ва бошқалар) тақдим этишда, хайрия ва тижорат ҳомилик кўрсатишда, Бизнес ҳамкорларнинг комплекс текшируви доирасида шартномалар учун тўловларни амалга оширишда қўлланилади.

1.6. Жамият назорат акцияларининг улушига эга бўлмаган корхоналар ходимлари, мансабдор шахслари ва директорларининг ҳам ушбу Сиёсат ёки шунга ўхшаш стандартларга риоя қилишлари назарда тутилади.

1.7. Мазкур Сиёсат риоя қилиниши лозим бўлган минимал стандартни белгилайди. Агар миллий қонунчиликда юқорироқ талаблар қўйилган бўлса, у ҳолда Жамият ушбу талабларга риоя қилади. Назорат остидаги корхона ушбу Сиёсатда қайд этилган талабларга нисбатан кучсиз талабларни белгилайдиган бирон-бир стандартни қабул қилмоқчи бўлса, у Комплаенс хизматидан ёзма розиликни олиши лозим бўлади.

II. АТАМАЛАР ВА ТАВСИФЛАР

Нazorat остидаги корхона - Жамият ўзининг овоз берувчи акцияларининг (улушларининг) йигирма фоизидан кўпроғига эга бўлган ёки устав жамғармасида устун иштирок этиш сабабли тобе ва (ёки) шўъба корхонаси, қўшма корхона ва бошқа ташкилот.

Бизнес ҳамкор – Жамият бош директори муносабатларига (меҳнат муносабатларидан ташқари) киришадиган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс (Бизнес ҳамкорни контрагент, етказиб берувчи, дистрибьютор, дилер ёки Жамият номидан ва унинг манфаатларини учун ҳаракат қилишга ваколатли бошқа учинчи шахсни мисол келтириши мумкин).

Ходимлар/Ходим – Жамият бошқарув раиси ва унинг ўринбосарлари, таркибий тузилмалар бошлиқлари (раҳбарлари) ва бошқа ишчилар.

ЖДЛ/ТМга қарши курашиш тўғрисидаги амалдаги қонунчилик - Жамият ва (ёки) Назорат остидаги корхона ўз тижорат фаолиятини олиб борадиган Ўзбекистон Республикаси, АҚШ, ЕИ, шунингдек, бошқа мамлакатларнинг жиноятдан олинган

даромадларни легаллаштириш (ювиш) ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш қонунчилиги.

ЖДЛ/ТМга қарши курашиш - жиноятдан олинган даромадларни легаллаштириш (ювиш) ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш.

Жиноятдан олинган даромадларни легаллаштириш - пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк жиноий фаолият натижасида топилган бўлса, уларни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан уларнинг келиб чиқишига қонуний тус беришдан, худди шунингдек бундай пул маблағларининг ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки уларнинг кимга қарашлилигини яширишдан ёхуд сир сақлашдан иборат бўлган, жиноий жазоланадиган ижтимоий хавфли қилмиш.

Терроризмни молиялаштириш - террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлишини, фаолият кўрсатишини, молиялаштирилишини, террорчилик фаолиятида иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетишни ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланишни таъминлашга, террорчилик ҳаракатини тайёрлаш ва содир этишга, террорчилик ташкилотларига ёхуд террорчилик фаолиятига кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситаларни, ресурсларни беришга ёки йиғишга, бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган, жиноий жазоланадиган ижтимоий хавфли қилмиш.

III. СИЁСАТ ТАЛАБЛАРИ

3.1. Жамият жиноятдан олинган даромадларни легаллаштириш (ювиш) ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ таҳдидларни эътироф этади ва ЖДЛ/ТМга қарши курашиш соҳасида амалдаги қонунчиликка риоя қилишни устувор вазифа деб билади.

3.2. Жамият, Назорат остидаги корхоналар, Ходимлар ва Бизнес ҳамкорларга жиноятдан олинган даромадларни легаллаштириш (ювиш) ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ фаолиятда иштирок этиш, унга кўмаклашиш ёки бошқа йўл билан ёрдам бериш қатъиян ман этилади.

3.3. Ушбу Сиёсат қуйидаги мажбурий талабларни белгилайди:

ЖДЛ/ТМга қарши курашиш тўғрисидаги амалдаги қонунчиликка қатъий риоя қилиш;

операцияларни тўғри ва етарлича батафсил акс эттирадиган, ёлғон ёки чалғитувчи маълумотларни ўз ичига олмаган тўлиқ ҳамда аниқ бухгалтерия ҳисоботлари ва ёзувларини юритиш;

Жамиятнинг ушбу Сиёсатга риоя қилишга қаратилган барча процедураларига амал қилиш.

3.4. Назорат остидаги корхоналар бундай ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш учун ЖДЛ/ТМга қарши курашиш назоратининг зарур ва самарали чораларини таъминлаши шарт.

3.5. Жамият ва (ёки) Назорат остидаги корхона жиноятдан олинган даромадларни легаллаштириш (ювиш) ва терроризмни молиялаштириш мақсадида мижозлар ёки бошқа учинчи шахслар томонидан ноқонуний фойдаланиш riskини туғдирадиган маҳсулотлар(товарлар, ишлар ва хизматлар)нинг бундай таклифидан ўзини четга олиши лозим бўлиб, ноқонуний фойдаланиш riskи ЖДЛ/ТМга қарши курашиш назоратининг

самарали процедуралари орқали етарлича бартараф этилган, ҳеч бўлмаганда қуйидагиларни ўз ичига оладиган ҳолатлар бундан мустасно:

Жамият ва Назорат остидаги корхоналар раҳбарияти ЖДЛ/ТМга қарши курашиш соҳасида рискларнинг тўғри бошқарилишини таъминлайди;

вазифалари ЖДЛ/ТМга қарши курашиш соҳасидаги амалдаги қонунчилик талабларига риоя қилишни ўз ичига олган Ходимлар мунтазам равишда ЖДЛ/ТМга қарши курашиш рисклари ва илғор тажрибалардан фойдаланиш мавзуси бўйича ўқитилади;

Жамият молиявий операцияларни мониторинг жараёнини амалга оширилишини таъминлайди;

Жамият “санкциялар” ва бошқа рўйхатлар ёрдамида рискка йўналтирилган автоматлаштирилган текшириш процедураси қўлланилишини таъминлайди;

Пул маблағларини фақат аниқланган банк ҳисоб рақамларига ўтказиш амалга оширилади.

IV. МАСЛАҲАТЛАР ВА ҚОИДАБУЗАРЛИКЛАР ТЎҒРИСИДА ХАБАР БЕРИШ

4.1. Агар Ходимларга ушбу Сиёсат бўйича маслаҳатлар зарур бўлса, шунингдек, Ходимлар ушбу Сиёсатни кимдир томонидан бузилган деб ҳисобласалар, Комплаенс хизматига 71-202-44-43 ишонч телефони бўйича қўнғироқ қилишлари ёки info@volkswagen.uz электрон почта манзилига мурожаат этишлари лозим. Жамият мумкин бўлган қоидабузарликлар тўғрисида виждонан хабар берган шахсларга нисбатан ҳеч қандай таъсир ёки таъқиб чораларини қўлламайди.

4.2. Ушбу Сиёсат талабларини бузган Ходимлар меҳнат шартномаси бекор қилинишгача бўлган интизомий жавобгарликка тортилишлари мумкин.